



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАР ҚОИДАЛАР, МЕЪЁРЛАР ВА
ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

**БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАВФСИЗЛИГИГА,
ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА, ТРАНСПОРТДА ТАШИЛИШИГА,
САҚЛАНИШИГА ВА СОТУВГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК
ТАЛАБЛАР**

СанҚваМ № _____

Махсус нашр

Тошкент – 2019



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАР ҚОИДАЛАР, МЕЪЁРЛАР ВА
ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат санитария врач в.б.,
Соғлиқни сақлаш вазири
Биринчи ўринбосари**

_____ **Б.К. ЮСУПАЛИЕВ**

« _____ » _____ **2019 й.**

**БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАВФСИЗЛИГИГА,
ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА, ТРАНСПОРТДА ТАШИЛИШИГА,
САҚЛАНИШИГА ВА СОТУВГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК
ТАЛАБЛАР**

СанҚваМ № _____

Ушбу санитар қоидалар, меъёрлар ва гигиеник нормативлар озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсиз мезонларини техник бошқариш соҳасида меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилади ва албатта корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар учун мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда риоя қилиниши шарт (3 модда «Техник бошқарув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 5 модда «Аҳолини санитар-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни)

Махсус нашр

Қайта босиб чиқариш тақиқланади

ИШЛАБ ЧИҚҚАН МУАССАСА:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги Давлат санитар-эпидемиологик назорат бош бшқармаси (ЎзР ССВ ДСЭНББ), санитария, гигиена ва касб касалликлари Илмий-тадқиқот институти (ЎзР ССВ СГКК ИТИ), Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги Давлат санитар-эпидемиологик назорат Республика Маркази (ЎзР ССВ ДСЭНРМ), Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) қошидаги диетология Республика ўқув-илмий маркази, Тошкент давлат стоматология институти (ТошДСИ)

ТУЗУВЧИЛАР:

Шарипова Н.В.

- ЎзР ССВ ДСЭНББ санитар бўлимини бошлиғи

Худайберганов А.С.

- ТТА қошидаги диетология Республика ўқув-илмий марказини директор ўринбосари, ЎзР ССВ ДСЭНББ да овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассис, т.ф.д., профессор

Камилова Р.Т.

- ЎзР ССВ СГКК ИТИ да илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, ЎзР ССВ да болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича бош мутахассис, ПЗ-20170918168 лойиҳасини раҳбари, т.ф.д., профессор

Исакова Л.И.

- ЎзР ССВ СГКК ИТИ да овқатланиш гигиенаси лабораториясини мудир, катта илмий ходим, тиббиёт фанлари бўйича философия доктори (PhD)

Наврузов Э.Б.

- ЎзР ССВ СГКК ИТИ да катта илмий ходим, тиббиёт фанлари бўйича философия доктори (PhD)

Шукуров А.Н.

- ЎзР ССВ ДСЭНРМ да бош шифокор ўринбосари, т.ф.н..

Элинская О.Л.

- ЎзР ССВ ДСЭНРМ да врач-лаборант, т.ф.н., кат.и.х.

Камилов Ж.А.

- ТошДСИ факультет ортопедик стоматология кафедраси ассистенти

Шовалиев И.Х.

- ТошДСИ мустақил-изланувчи, т.ф.н.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Зарединов Д.А.

- ТошВМОИ гигиена кафедраси мудир, т.ф.д., профессор

Бахридинов Ш.С.

- ТТА болалар ва ўсмирлар гигиенаси ва овқатланиш гигиенаси кафедрасини профессори, т.ф.д.

Нуралиев Н.А.

- Бухоро тиббиёт институтини илмий ишлар бўйича проректори, т.ф.д., профессор

Шадманова Н.А.

- ТошВМОИ да микробиология курси мудир, ЎзР ССВ да бош микробиолог

2018 йил 17 октябрдаги 14/1-3046 сонли Санитар қоидалар ва меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сифатли ва ҳаммабоп болалар озуқасини ташкил қилиш учун шароитларни яратиш бўйича Йўл харитасини амалга ошириш учун тузилган.

Ушбу СанҚваМ ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ Илмий Кенгаши йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган (2018 йил 13 декабрдаги 11 сонли баённома)

Ушбу СанҚваМ ЎзР ССВ ҳузуридаги Инсон атрофидаги муҳитнинг салоҳиятли ножўя омилларини гигиеник регламентлаш бўйича Қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган (2019 йил _____ даги _____ сонли баённома)

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилди (2019 йил _____ даги _____ сонли баённома)

Санитар қоидалар ва меъёрлар Codex Alimentarius Комиссияси материалларидан фойдаланган.

МУНДАРИЖА

1. Қўллаш соҳаси	4
2. Умумий қоидалар	4
3. Болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқишга нисбатан термин ва аниқликлари	5
4. Болалар озуқа маҳсулотларини ифлосланишини бартараф қилиш бўйича тавсиялар	9
5. Болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни планини тузишни санитар қоидалари	12
6. Болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни сув билан таъминлаш ва сувни чиқаришни санитар қоидалари	13
7. Корхоналарда ёритиш ва микроиклим учун санитар қоидалар	15
8. Болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший биноларни ҳолати ва эксплуатациясини санитар қоидалари	16
9. Болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналарни ҳолати ва эксплуатациясини, технологиясини санитар қоидалари	20
10. Ҳашаротлар билан курашиш тизими	23
11. Ходимнинг шахсий гигиенаси	23
12. Болалар озуқа маҳсулотларидан фойдаланишга бўлган талаблар ..	24
13. Болалар озуқа маҳсулотларини хавфсизлигига бўлган гигиеник талаблар	26
14. Болалар озуқаси учун озиқ-овқат маҳсулотларини ингредиент ва кимёвий таркибига бўлган гигиеник талаблар	28
15. Болалар озуқаси учун озиқ-овқат маҳсулотларини маркировкасига ва қадоқлашига бўлган талаблар	29
16. Гўдак ёшдаги болалар озуқаси учун озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлигига бўлган гигиеник талаблар	32
17. Мактаб ёшигача ва мактаб ёшида бўлган болалар озуқаси учун маҳсулотларга бўлган гигиеник талаблар	73
18. Саноатда ишлаб чиқарилган кўшимча овқатнинг асосий маҳсулотлари ва таомларнинг гўдак ёшидаги болалар озуқасига киритиш муддатлари* (маълумот берувчи)	123
Иловалар	126
Меъёрий ҳаволалар (далиллар)	136
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	140

1. ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

Ушбу Санитар қоидалар, меъёрлар ва гигиеник нормативлар «Болалар озуқа маҳсулотларини хавфсизлигига, ишлаб чиқаришга, транспортда ташилишига, сақланишига ва сотувга бўлган гигиеник талаблар» (кейингиси – Санитар қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган: 2015 йил 26.08 даги «Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ги 393 сонли ЎРҚ; 1996 йил 29.08 даги «Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги 265-I сонли ЎРҚ 1999 йил 15.04 да ўзгартирилган ва тўлдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 1996. - №19. – 128 модда; 1999. - №5. - 124 модда), 1997 йил 30.08. даги «Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» ги 483-1сонли ЎРҚ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 1997. - №9 – 239 модда; 1996 йил 26.04. даги «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги 221-I сонли ЎРҚ; 2009 йил 23.04. даги «Техник бошқарув тўғрисида» ги 213 сонли ЎРҚ.

Санитар қоидаларни ишлаб чиқишда тавсия қилинган халқаро техник меъёрлар ва қоидалардан, озиқ-овқат гигиенасини умумий тамойилларидан, шунингдек ХАССП тизимини қўллаш тамойиллари (инглиз. НАССР - Hazard Analysis and Critical Control Points – хатарлар таҳлили ва кескин назорат нуқталари) дан фойдаланилган, яъни улар маҳсулот хавфсизлигига таъсир қилувчи идентификация, баҳолаш ва хавфли омилларни бошқариш учун мўлжалланган.

1.2. Ушбу Санитар қоидаларни асосий мақсади болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарни жойлашувига, планли тузилишига, қурилмасига, санитар-техник ҳолатига бўлган санитар-эпидемиологик талабларни гигиеник мезонларини аниқлаш йўли билан болалар озуқаси маҳсулотларини юқори сифат ва хавфсизлигини таъминлашда санитар-эпидемиологик меъёрлаш ҳисобланади.

1.3. Ушбу Санитар қоидалар болалар озуқаси маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотувга чиқариш билан шуғулланадиган давлат органлари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларга ижро этиш учун мажбурийдир яъни уларни фаолияти лойиҳалаштириш, қурилиш, қайта тиклаш, эксплуатация билан боғлиқ бўлса, шунингдек давлат санитар-эпидемиологик назоратни амалга оширувчи органларга, муассасаларга, лавозими бор шахсларга ҳам мажбурийдир (5 модда «Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ги 393 сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни).

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ушбу Санитар қоидалар яхши сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришини таъминлашга қаратилган, болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳолати ва эксплуатацияси бўйича хавфсизлиги ва санитар-эпидемиологиясига қарши қўйилган талабларни, шунингдек юқумли касалликлар ва озиқ-овқатдан заҳарланишларни олдини олишга қўйилган гигиеник талабларни аниқлайди.

2.2. Ушбу Санитар қоидалар талаблари болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалаларини регламентлайдиган техник ҳужжатларни ишлаб чиққанда ва келишув асосида тақдим қилганда бажарилади.

2.3. Озиқ-овқат хом ашёларни, озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш ва сотуви бўйича фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар Санитар қоидалар, меъёрлар ва гигиеник нормативларга риоя қилишлари шарт (24 модда «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ги 393 сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни).

2.4. Озиқ-овқат маҳсулотларини сифат кўрсаткичи, унинг хавфсизлиги бўйича талаблар мажбурий ҳисобланади ва ушбу маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатларига киритилади («Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» ги 483-І сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 10 модда).

2.5. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, маҳсулотни тайёрлашни, сотиб олишни, қайта ишлашни, етказиб беришни, сақлашни, транспортда ташилишини ва сотувини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар ўрнатилган меъёр ва қоидаларга риоя қилиш учун ишлаб чиқариш назоратини таъминлаб беришади. Ишлаб чиқариш назоратини ўтказиш тартиби озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги бўйича меъёр ва қоидалар талабларига мувофиқ, меъёрий ва технологик ҳужжатлар, улар томонидан бажарилаётган ишлар ўзига хослигини ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади («Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» ги 483-І сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 8 модда).

2.6. Болалар озуқасини маҳсулотларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш учун қуйида кўрсатилганлар тақдим қилинади:

стандарт лойиҳалар, технологик йўриқномалар;

маҳсулотларни тайёрлаш усулини хом ашё таркиби ва тавсифи (озиқ-овқат қўшимчалари).

3. БОЛАЛАР ОЗУҚАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА НИСБАТАН ТЕРМИНЛАР ВА АНИҚЛИКЛАРИ

3.1 Ушбу Санитар қоидаларда қуйида кўрсатилган терминлар ва аниқликлар қўлланилади:

болалар озуқаси учун озиқ-овқат маҳсулотлари – гўдак ёшдаги (туғилгандан то 3 ёшгача), мактабгача бўлган ёшдаги (3 ёшдан то 6 ёшгача) ва мактаб ёшдаги (6 ёшдан ва ундан катта) болалар учун мўлжалланган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари болалар организмни физиологик эҳтиёжига муносиб жавоб бера оладиган ва шу ёшдаги болалар саломатлигига зарар етказмайди;

гўдак ёшдаги болалар учун озуқа маҳсулотлари – гўдак ёшдаги болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни уларни таркиби ва хусусиятлари уларни ёшига хос физиологик хусусиятларига мос келади,

самарали ҳазм бўлишини таъминлайди ва уларни саломатлигига зарар етказмайди;

мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшида бўлган болалар учун озуқа маҳсулотлари – мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшида бўлган болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда туз, ёғ миқдори кам бўлган ҳамда қанд, озиқ-овқат қўшимчалари миқдори чегараланган, аччиқ зираворсиз қонунчилик талабларига мос келадиган озиқ-овқат хом ашёлари ишлатилади;

қўшимча овқатланишни озиқ-овқат маҳсулоти – она сутига қўшимча озуқа сифатида бир ёшгача бўлган болалар рационига киритиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ушбу маҳсулотлар она сутини ўрнини боса оладиган қуйидаги сутли аралашмаларни ва болани ёшига оид физиологик хусусиятларига мос келадиган ҳайвон ёки келиб чиқиши ўсимликдан бўлган маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган;

болалар озуқаси учун махсуслаштирилган маҳсулотлар – парҳез озуқа маҳсулотлари булиб яъни, бу маҳсулотларни кимёвий таркиби боладаги мавжуд патологияларига мос бўлган метоболизм хусусиятларига, шу қаторда озуқа маҳсулотлари мос келади: оксилни тўла ёки қисман гидролизати асосида ёки фенилаланинни кам миқдорда сақловчи антирефлюксли, глютенсиз, лактозасиз, пастлактозали маҳсулотлар;

болалар учун функционал озуқа маҳсулотлари - ўсишига ва ривожланишига кўмаклашадиган ёки ўрнини тўлдирадиган, шунингдек озуқавий моддаларни танқислигини бартараф қилиш, саломатликни сақлаб қолиш ва яхшилашга, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилгани функционал ингредиентлар сақловчи озуқанинг табиий маҳсулотлари;

ўт солиб тайёрланган болалар ичимлиги (ўт солиб тайёрланган чой) – ўт ва ўтлар экстрактлари асосида тайёрланган болалар озуқаси учун озиқ-овқат маҳсулотлари;

мослаштирилган сутли аралашмалар (она сутини ўрнини босувчи) – ҳаётининг биринчи ёшгача бўлган болалар учун кимёвий таркиби ва хусусиятлари бўйича она сутига максимал бирмунча яқин бўлган, зарур бўлган озиқ-овқат моддаларига ва энергияга ҳаётининг биринчи ёшгача бўлган болаларни физиологик эҳтиёжларига жавоб бера оладиган сигир сутидан ёки бошқа маҳсулдор ҳайвонлар сутлари асосида суюқ ёки қуқунсимон шаклда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари;

антирефлюксли озуқа маҳсулотлари – болаларда сутни қайт қилишни бартараф қилиш учун қуюқлаштирувчи моддаси мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари;

болалар озуқаси учун глютенсиз озиқ-овқат маҳсулотлари – буғдой, жавдари қора буғдой, арпа, сули ёки уларни кроссбредли вариантлари (уларни чатиштириш йўли билан олинган) ни ўзида сақламайдиган, шу кўрсатилган компонентларни биттасидан ёки бир нечасидан таркиб топган ёки тайёрланган даволовчи ёки профилактик парҳезли овқатланишни озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек махсус равишда глютен даражасини камайтириш учун буғдой, жавдари қора буғдой, арпа, сули ёки уларни

кроссбредли вариантларини ўзида сақлайдиган компонентларни биттасидан ёки бир нечасидан таркиб топган ёки тайёрланган ва уларда яъни истеъмол қилишга тайёр озиқ-овқат маҳсулотларида глютен даражаси 20 мг/кг ортик бўлмаганини ташкил қилади;

болалар озуқаси учун глютен миқдори кам бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари - махсус равишда (глютен даражасини камайтириш учун) буғдой, жавдари қора буғдой, арпа, сули ёки уларни кроссбредли вариантлардан олинган компонентларни биттасидан ёки бир нечасидан таркиб топган ёки тайёрланган даволовчи ёки профилактик парҳезли овқатланишни озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларда яъни истеъмол қилишга тайёр озиқ-овқат маҳсулотларида глютен даражаси 20 мг/кг дан 100мг/кг ни ташкил қилади;

бошланғич сутли аралашмалар – мослаштирилган (кимёвий таркиби бўйича она сутига максимал яқинлаштирилган) ва қисман мослаштирилган (кимёвий таркиби бўйича она сутига қисман яқинлаштирилган) аралашмалар, яъни ушбу аралашмалар сигир сути асосида ёки бошқа маҳсулдор ҳайвонлар сутлари асосида ишлаб чиқарилган ва болалар ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб 6 ойгача бўлган болаларни овқатлантириш учун мўлжалланган;

кейинги аралашма – қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сутлари асосида ишлаб чиқарилган ҳаётини биринчи ёшдаги болалар учун озиқ-овқат маҳсулоти ва 6 ойдан катта бўлган болалар озуқаси учун мослаштирилган ёки қисман мослаштирилган;

оқсил гидролизатини тўла ёки қисман асосида тайёрланган озуқа маҳсулотлари – тўла ва ёки қисман гидролизга юз тутган сигир, соя сутларини оқсилларидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

фенилаланин миқдори кам бўлган болалар озуқасини озиқ-овқат маҳсулотлари – фенилаланиндан озод бўлган (ёки кам миқдорда) ёки фенилаланинсиз аминокислоталар аралашмасидан, ёки оқсил гидролизати асосида олинган даволовчи ёки фенилаланин миқдори кам бўлган компонентлардан фойдаланган ҳолда профилактик парҳезли овқатланишни озиқ-овқат маҳсулотлари;

дон-дун асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – ун ва ёрмаларни ҳар хил турларидан, яъни донли бўлмаган ингредиентлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

дон-сут асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 25% дан кам бўлмаган миқдорда сут қўшилган ун ва ёрмаларни ҳар хил турларидан, яъни донли бўлмаган ингредиентлардан 15% дан кам бўлмаган миқдорда қўшилган ҳолда;

сут асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – сигир сути ёки қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар сутлари асосида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, шу қаторда маҳсулотларни умумий массасидан 20% дан кам бўлмаган миқдорда сут маҳсулотлари бўлмаган ингредиентларни қўшган ҳолда;

гўшти маҳсулотлар асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 40% дан кам бўлмаган миқдорда гўшт маҳсулоти ингредиентлари мавжуд бўлган қишлоқ

хўжалигини турли хил ҳайвон ва парранда гўштидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

гўшт-ўсимлик ҳамда балиқ-ўсимлик асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари - маҳсулотларни умумий массасидан 18 ва 40% дан кам бўлмаган миқдорда гўшт ёки балиқ маҳсулоти ингредиентлари бор бўлган ўсимлик компонентлари (мевалар, сабзавотлар, ёрмалар, ун) қўшилган турли хил гўшт ва балиқдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

ўсимлик-гўшт ҳамда ўсимлик-балиқ асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 5 ва 18% дан кам бўлмаган миқдорда гўшт ёки балиқ маҳсулоти ингредиентлари қўшилган ўсимлик компонентлари (мевалар, сабзавотлар, ёрмалар, ун) дан тайёрланган тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

балиқ гўшти асосида қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 40% дан кам бўлмаган миқдорда океан, денгиз ва чучук сувини балиқ маҳсулотларидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

мева ва сабзавотлар асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 20% дан кам бўлмаган бошқа ингредиентларни қўшган ҳолда мева ва сабзавотлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

мева-дон ва сабзавот-дон асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 25% дан кам бўлмаган миқдорда мева, реза мевалар ёки сабзавот бўтқасига турли хил ун, ёрмалар ва туйиб юмшатишган парчали ёрмалардан қўшиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

мева-сут ва сабзавот-сут асосида тайёрланган қўшимча овқат маҳсулотлари – маҳсулотларни умумий массасидан 25% дан кам бўлмаган миқдорда мева, реза мевалар ёки сабзавот бўтқасига сут ёки сут маҳсулотлари қўшиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

нутриентлар (озиқ-овқат моддалари) - озиқ-овқат маҳсулотларини таркибий қисми ҳисобланадиган моддалар бўлиб, улар инсон организми томонидан қувват манбаи, орган ва тўқималарни тузилиши, ўсиши ва янгиланиши учун манба ёки субстратларни (озиклантирувчи муҳит) ни вазифадоши, ҳаёт фаолияти жараёнларида иштирок қиладиган физиологик фаол моддаларни ҳосил бўлишида озиқ-овқат маҳсулотларни озиқавий ва биологик қийматини аниқлаш сифатида ишлатилади;

назорат чоралари – хавфли омилни бартараф қилишга ёки олиб ташлашга қаратилган ҳаракатлар ёки чора-тадбирлар ёки уни мақбул даражагача олиб чиқиш;

коррекция қилувчи ҳаракат – аниқланган номуносибликни ёки бошқа номақбул вазиятни сабабини бартараф қилиш учун кўрилган ҳаракатлар ва хатарни бартараф қилишга қаратилган ёки уни НАССР тизими доирасида ўтказиладиган йўл қўйилиши мумкин бўлган даражагача камайтириш;

критик назорат нуқтаси (КНН) – хавфли омилни идентификация қилиш ёки хатарни бошқариш учун назорат ўтказиш жойи;

критик чегара - мезонлар, ушбу мезонлар ёрдамида мақбулини номақбулидан ажратиш олиш мумкин;

ечимлар дарахти – критик назорат нуқтаси бўлиб ҳисобланадиган, ушбу босқичларни аниқлашга қаратилган, яъни хавфли омиллар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни ҳар босқичида келиб чиқадиган саволлар кетма-кетлиги;

хавфли омил - биологик, кимёвий ёки физик агент ёки озиқ-овқат маҳсулотлари ҳолати бўлиб, яширин равишда саломатлик учун ножўя асоратлар келтириб чиқариши мумкин;

хавфли омиллар таҳлили – уларнинг қай бири кўпроқ даражада маҳсулотларни хавфлилигига йўлиқиши ва бинобарин, НАССР тизими режасига киритилиши ҳақида ечимни қабул қилишга қаратилган, уларни мавжудлигига олиб борувчи хавфли омиллар ва шароитлар ҳақида маълумотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни;

3.2. Ушбу бўлимда махсус аниқланмаган терминлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ўрнатилган, шунингдек бошқа Санитар қоидалар ва гигиеник нормативларларда аҳамиятга эга бўлган жойларда ишлатилади.

4. БОЛАЛАР ОЗУҚАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИФЛОСЛАНИШИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

4.1. Болалар озуқа маҳсулотларини хавфсизлиги биринчи навбатда қадоқлаш идишларини ишлаб чиқарганда, унга ишлов берилганда ва у билан қайта ишлаб чиқардиган корхоналарга мурожаат қилганда, шунингдек тайёр маҳсулотни сақлаш ва тақсимлаш билан тегишли ишлаб чиқариш амалиётини (GMP) ни қўллаган ҳолда таъминланади. Қачонки хом ашё ёки тайёр маҳсулотларни хавфсизлиги ёки тўпламини тегишли сифати шубҳа уйғотса биринчи навбатдаги ҳаракатингиз тегишли ишлаб чиқариш амалиётига (GMP) риоя қилинганлигини тасдиқлаш ҳисобланади.

4.2. Корхоналарга (ташкilotларга) келиб тушадиган барча хом ашё, материаллар ва буюмлар ушбу Санитар қоидалар ва шунингдек маҳсулотларга, ишлаб чиқариш технологияларига, маҳсулотдан фойдаланишга ва уларни сифати ва хавфлилигини тасдиқлаб берувчи ҳужжатларга изох бериш муамоласига талаб қўйилган Санитар меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

4.3. Хом ашё ишлаб чиқариш назоратини ижобий натижалари бўйича ишлаб чиқаришга рухсат этилади.

4.4. Хом ашё уни ифлосланиши ва бузилиш хавфини истисно қиладиган шароитларда сақланиши керак.

4.5. Хом ашёни корхоналарда ва хом ашёга бирламчи ишлов бериш пунктларида сақлаш техник меъёрий ҳуқуқий далолатномалар талабларига мувофиқ ва технологик ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

4.6. Хом ашё, қўшимча материаллар ва тайёр маҳсулотлар учун омборхона биноларини тоза, куруқ сақлаш керак, вентиляция бўладиган, тузатилган томлари, поллари бўлиши лозим. Деволлар ва шифтларни оқлаш зарурият бўлганда амалга оширилади.

4.7. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган омборхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмаган материалларни сақлаш тақиқланади.

4.8. Омборхона бинолари хом ашёни ташиб олиб чиқиш ва тайёр маҳсулотни ортиш учун махсус майдонлар билан жиҳозланади.

4.9. Тайёр маҳсулотни ташиб олиб чиқиш ва хом ашёни тушуриш ёмғир ва қордан ҳимоя қиладиган бостирма остида амалга оширилади.

4.10. Хом ашё ва маҳсулотлар жойлашган тараларни бевосита ерга, қорга, қор билан қопланган полга ёки нам полга, ёғоч тўшамаларга, платформаларга жойлаштириш тақиқланади.

4.11. Омборхоналар психрометрлар билан жиҳозланади, улар эшиклар олдида ва полдан 1,6 м юқорида омбор марказига жойлаштрилади.

4.12. Тайёр маҳсулотлар учун таралар тоза, куруқ, пишиқ, ҳеч қандай ёт ҳидларсиз бўлиши керак. Қадоқалшга берилишдан олдин қайтиб келадиган тара яхшилаб ювилган ва қуритилган бўлиши керак.

4.13. Озиқ-овқат қўшимчалари «Ишлаб чиқаришга, сотишга ва озиқ-овқат қўшимчаларни меъёрлашга бўлган гигиеник талаблар» номли (янги нашрда) 0296-11 сонли ЎзР СанҚваМ ни талабларига мувофиқ қўлланилади.

4.14. Корхоналарда (ташкilotларда) озиқ-овқат қўшимчалари уларни ифлосланиш хавфини ва бузилишни истисно қиладиган шароитларда, ишлаб чиқарадиган завод тараларида сақланади. Озиқ-овқат қўшимчаларини омборхонада сақлаш учун бошқа тараларга тўкиб солиш (бошқатдан қуйиш) тақиқланади.

4.15. Озиқ-овқат қўшимчалари эритмалари корхонанинг махсус ажратилган биносида тайёрланади. Озиқ-овқат қўшимчаларини тайёр эритмалари ишлаб чиқаришга бир сменага мўлжалланган миқдордан ошмаган ҳолда, озиқ-овқат қўшимчаларни номи ва концентрацияси кўрсатилган маркировкаланган идишларда берилади.

4.16. Хом ашёни идишларга жойлаштиришни ўтказиш, солинадиган идишларни яъни тараларни юзаки ифлосланишлардан аввалроқ тозалайдиган сўнг амалга ошириш керак. Хом ашёси бор қоплар четка билан тозаланади ва эҳтиёт бўлиб чокидан очилади. Шиша банкалар ва бутилкалар яхшилаб кўриб чиқилади ва синиқ ва дарз кетганлари бракка чиқарилади.

4.17. Таралар очилгандан кейин хом ашё цех ичидаги маркировка қилинган тараларга тўкиб солинади ёки жойлаштрилади. Хом ашёни корхонанинг (ташкilotнинг) ишлаб чиқариш биноларида ишлатиладиган тараларда сақлаш қатъиян ман қилинади. Хом ашё асептик сақланган қоплардан олиниб бевосита технологик жараёнга беришга рухсат берилади.

4.18. Корхона ҳудуди бўйича хом ашёни транспортировка қилиш маркировкаланган ёпиқ идишларда амалга оширилади.

4.19. Хом ашёни тайёрлаш ишлаб чиқариш цехини алоҳида биноларида – тайёрлаш бўлимида амалга оширилади.

4.20. Бўш тара тайёрланадиган бўлимдан зудлик билан олиб ташланиб уларни ювиш ва ишлов бериш биноларига ўтказилади.

4.21. Қўшимча хом ашё ва компонентлардан фойдаланганда технологик ҳужжатлардаги талабларга мувофиқ хом ашёни ишлаб чиқаришга ишлов бериш ва тайёрлаш учун кўпгина алоҳида жиҳозланган бинолар кўзда тутилади.

4.22. Қуритилган ўсимлик хом ашёсини сақлаш учун биноларни стеллаж ва деворга қлинадиган токчалар билан жиҳозлаш керак. Қуритилган ўзидан хушбўй ҳид таратмайдиган ўсимлик хом ашёсини хушбўй хом ашёдан алоҳида сақланади.

4.23. Қуритилган хушбўй ўсимлик хом ашёларини вентиляцияси бор биноларда, ичидан алюминий тунука билан қоқилган, зич ёпиладиган қопқоқли ёғочли омборларда сақлаш керак. Хушбўй ва хушбўй бўлмаган қуритилган ўсимлик хом ашёларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан алоқада бўладиган материаллардан тайёрланган полимер қопларда сақлашга рухсат этилади.

4.24. Сочилиб кетадиган ва суюқ компонентларни ишлаб чиқаришга ишга тушуришдан олдин ишга яроқли филтр ва элаклар орқали филтрдан ўтказиш ёки элаш керак. Барча сочилиб кетадиган компонентлар магнитли ушлаб олгичлар орқали ўтказилади.

4.25. Сочилиб кетадиган ва суюқ компонентларни ўлчаш учун махсус ўлчагичлар, чўмичлар, япалоқ белкурак ва бошқа инвентарьлар ажратилади. Хом ашёни кўл билан солиш, хом ашёли тарани полга қўйиш тақиқланади.

4.26. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш биноларида «Санитар брак» белгили масус тара ўрнатилади, ушбу тара ҳар куни зарурият бўлганда тозаланади, ювилади ва дезинфекция қилинади.

4.27. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин ҳосил бўладиган чиқиндилар доимо ташкилотни ишлаб чиқариш биноларидан олиб ташланади.

4.28. Ишлаб чиқариш чиқиндиларни сақлаш ва олиб ташлаш шароитлари тайёр маҳсулотни ифлослантириш эҳтимолини, инсон ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солувчи ҳолатларни мустасно қилиши керак.

4.29. Маҳсулотларни транспортировкаси ушбу мақсад учун яроқли транспорт воситалари орқали амалга оширилиб, уларни доимо тоза ҳолатда сақлаш керак. Болалар озуқа маҳсулотларини транспортировка қилиш учун маҳсулот тайёрловчи томонидан ўрнатилган шароитларга мос келадиган ва ушбу озуқа маҳсулотларини ифлосланишини ва бузилишини мустасно қиладиган шароитлар яратилиб берилади.

4.30. Болалар озуқа маҳсулотларини транспортировка қилиш вақтида мазкур юкларни тушуриш ва кўтариб олиб чиқиш каби ишларни бажарадиган ишчилар санитар кийимларидан фойдаланишлари керак.

5. БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА КОРХОНАЛАРНИ ПЛАНИНИ ТУЗИШНИ САНИТАР ҚОИДАЛАРИ

5.1. Корхоналар (ташкилотлар) учун санитар-ҳимоя ҳудуди Санитар меъёрлар ва қоидаларга қўйилган талабларга мувофиқ аниқланади, инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга таъсир қиладиган объектлар бўлиб ҳисобланадиган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларда санитар-ҳимоя ҳудудини ташкил қилиш мазкур СанҚваМ белгиланган талабларга мувофиқ аниқланади.

5.2. Корхоналар (ташкилотлар) ҳудуди ўраб олинган бўлиши керак, автотранспорт учун икки томони очик ёки айланма йўл ва ишчилар учун яхлит қаттиқ (асфальт ёки бошқа нарса) билан қопланган, ўнқир-чўнқирсиз, нуқсонларга эга бўлмаган пиёдалар йўли бўлиши керак; йилнинг хоҳлаган вақтида тоза бўлиши керак; функционал зоналарга бўлинишга эга бўлиш: ишлаб чиқаришдан олдин, ишлаб чиқариш, хўжалик-омборхона, сув билан таъминлаш манбаини санитар муҳофазаси.

5.3. Қувурлар (зовурлар), ёмғир сувини олиб кетадиган зовур ва юзаки ёғингарчилик сувини тўплайдиган тизимлар, йўлка ва пиёда ҳудудларни, бино йўлаклари ва зинапоёлари ва корхона (ташкилот) иншоотлари, қаттиқ чиқиндиларни тўплаш учун контейнер майдонлари жиҳозлари, қаттиқ чиқиндиларни тўплаш учун махсус идишлар ушбу Санитар қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

5.4. Ишлаб чиқариш олди функционал ҳудудда қуйидагиларни жойлаштириш мумкин: маъмурий ва маиший бинолар, назорат-рухсат бериш пункти, шахсий автотранспортни қўйиш майдони.

5.5. Ишлаб чиқариш функционал ҳудудида қуйидагиларни жойлаштириш мумкин: ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, хом ашё олиб келадиган автотранспортлар учун майдонлар, буғ билан иситиш қозонхонаси (суяқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган қозонхона бундан мустасно) таъмир-механик устахоналар.

5.6. Хўжалик-омборхона функционал ҳудудида қуйидагиларни жойлаштириш мумкин: ёрдамчи биноларни ва иншоотларни (иссиқ сувни совутадиган минорасимон қурилмаларни, насос станцияларини, мойловчи ёғлар ва кимёвий реагентлар омборхоналари, буғ билан иситиш қозонхонаси, компрессорни ва бошқалар) ни, қурилиш материаллари ва тараларни сақлаш учун бинолар, қаттиқ чиқиндиларни тўплайдиган идишлари мавжуд бўлган контейнерлар учун майдонлар, ҳожатхоналар ва бошқаларни.

5.7. Мустақил функционал ҳудудга артезиан қудуқлари атрофидаги сув билан таъминлаш манбаларини санитар муҳофаза ҳудудини ва сувни сақлаш учун ер ости ҳовузларини ажратишади.

5.8. Тозалаш иншоотларидан то корхонанинг (ташкилотнинг) ишлаб чиқариш биноларигача санитар-ҳимоя ҳудудларини ушлаб туриш керак.

5.9. Корхона ҳудудида бино ва иншоотларни жойлаштириш хом ашё, тоза ва ифлос тараларни, болалар озуқасини тайёр маҳсулотларини юк оқими билан чиқиндиларни юк оқимини кесишишини мустасно қилиш керак.

5.10. Корхона (ташкilot) худудига ҳар гал киришдан олдин унинг ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший биноларига ахлат учун ахлатдонлар ўрнатилади ва оёқ-кийимларни тозалаш учун мосламаларни жойлаштиришади.

5.11. Тараларни, қурувчи ва хўжалик материалларни омборхонада сақлаш керак. Тараларни жойлаштириш ва уларни вақтинча сақлаш бостирма остида асфалтланган ёки бетонли майдонларда сақланади.

5.12. Корхона (ташкilot) худуди олдида ишлаб чиқариш узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда иккита майдонни жиҳозлашади автотранспортга санитар ишлов бериш (биттаси – хом ашёни олиб кетувчи автотранспорт учун, иккинчиси тайёр маҳсулотларни олиб кетувчи автотранспорт учун).

5.13. Корхона (ташкilot) ни худудига ҳамма кириш ва худуддан чиқиш, маиший ахлатларни олиб чиқишдан ташқари автотранспортни юриш қисмини зарарлантириш учун йўлнинг тупроқ қисмига яхлит бетон ёки асфальтдан дезинфекцияли тўсиқ ўрнатилади.

6. БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА КОРХОНАЛАРНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА СУВНИ ЧИҚАРИШНИ САНИТАР ҚОИДАЛАРИ

6.1. Корхона (ташкilot) нинг сув таъминоти хўжалик-ичимлик сув таъминотининг марказлаштирилган тармоғидан амалга оширилиши керак, ушбу тармоқ мавжуд бўлмаган ҳолда хўжалик-ичимлик водопроводининг артезиан қудуқларидан амалга оширилиши керак.

6.2. Корхона (ташкilot) ларда тоза сув захиралари мавжуд бўлган ҳолда, сувнинг энг кўп истеъмоли ва авария ҳолатларида сув билан узлуксиз таъминлаш учун уларни тозалаш ва дезинфекция қилиш бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

6.3. Корхонанинг технологик, ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжларига ишлатиладиган сув:

етарли миқдорда етказилиб берилиши керак;

аҳолининг ичимлик сув таъминоти, хўжалик-маиший ва бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланиш Санитар қоидалар ва меъёрлари талабларига мос келиши керак.

6.4. Корхона (ташкilot) нинг техник сув таъминоти тизими корхонанинг хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимидан алоҳида кўзда тутилади. Сув таъминотининг кўрсатилган иккала тизими ҳам бир-бири билан ҳеч қандай бирикмаган, уланмаган бўлиши ва бир-бирларидан ажратиб турувчи рангларга бўялган бўлиши керак. Сув таъминотининг бу тизимларининг сув олиш нуқталари «Ичимлик» ва «Техник» ёзувлари билан белгиланиши зарур.

6.5. Корхона (ташкilot) нинг сув таъминотининг айланма тизимини қўшимча сувлантириш корхона (ташкilot) нинг хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимидан тизиллаб турган сув оқимини вертикал бўйича 20 мм дан кам бўлмаган ўлчамда ҳаво ёрдамида узиш (бўлиш) билан амалга оширилади.

6.6. Сув таъминоти ва сув қочириш тизимининг авариялари ва таъмирланишлари сабаблари, шунингдек буғ ва совуқнинг мавжуд эмаслиги сабабларини алоҳида журналларда қайд этиб бориш керак: авариянинг жойи, санаси ва вақти; зарарланиш тавсифи; таъмирланиш ўтказилган санаси ва вақти; якунланувчи дезинфекция ким томондан, қандай ва қачон ўтказилган; дезинфекция ўтказилгандан сўнг микробиологик таҳлиллар натижалари; жавобгар шахс имзоси.

6.7. Ташкилотларнинг сув таъминоти тизими ҳар бир таъмирлашдан кейин корхонага сув берилишидан олдин қонунчиликда ўрнатилган тартибда рухсат этилган ювиш ва дезинфекция воситалари билан ишлатиш қўлланмасига биноан ювилади ва ишлов берилади. Эпидемиологик муносабатда энг хавфли нукталарда кейинчалик олиб бориладиган лаборатор тадқиқотлар олиб борилади (сувда, сув сақловчи катта ҳажмли идишларда, ишлаб чиқариш хоналарида, ювиш хоналарида ва бошқалар).

6.8. Синамаларни саралаш вақтида сувни полга отишга йўл қўйилмайди, унинг оқиб кетишига шароит яратиб берилади.

6.9. Ишлаб чиқариш технологиясига, корхонанинг жиҳозлари ва хоналарига санитар ишлов беришда корхонанинг сув билан иситиш тизимидаги сувдан фойдаланиш ман этилади.

6.10. Инсон саломатлигига хавф солувчи ёки болалар озукиси маҳсулотларининг ифлосланишига олиб келувчи моддаларнинг ишлаб чиқариш технологиясида ишлатиладиган буғларда бўлишига йўл қўйилмайди.

6.11. Корхона (ташкилот) нинг сувни қочириш тизими жиҳозлари мақсадга мувофиқ бўлиши ва соз ҳолатда бўлиши керак.

6.12. Дренаж каналлар шундай конструкцияланган бўлиши керакки, чиқинди ва оқава сувлар ифлосланган ҳудуддан тоза ҳудуд йўналиши бўйлаб ёки тоза ҳудудга, шу қаторда хом ашё ва тайёр маҳсулот сақланадиган ҳудудга оқмаслиги керак.

6.13. Жиҳозлар ва ювиш ванналари сув қочириш тизимига қабул воронкасининг тепа қисмидан 20 мм дан кам бўлмаган ҳаво оалиғи билан бириктирилиши керак. Сув қочириш ички тизимининг оқавани қабул қилувчи қисмларининг ҳаммаси гидравлик танбалар (сифонлар билан) жиҳозланади.

6.14. Технологик оқавали корхоналарнинг сув қочириш тизимининг зиналари, лотоклари, осма қувурларини корхонанинг доимий иш жойлари ва жиҳозлари устида жойлаштирмаслик керак. Зиналарга полнинг қиялиги кўзда тутилади. Зина металл панжаралар билан ёпилади.

6.15. Корхонанинг ишлаб чиқариш хоналарида ювиш кранлари бўлиши керак. Корхонанинг хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимига уланган эгилувчан шланглар, шу қаторда хоналарни ва жиҳозларни тозалаш ва ювишда ишлатиладиган эгилувчан шлангларни фойдаланишдан олдин ва фодалангандан кейин пол ва зиналар сатҳидан баланд жойда масус қурилмаларда (ғалтаклар, барабанлар, осма ва бошқалар) сақлаш ёки пол, сув қочириш тизимига ва зиналарга тегиб турмайдиган бошқа усулларни қўллаш

керак. Корхона хоналари ва жиҳозларини тозалашда ва ювишда фойдаланиладиган шлангларни полда сақлаш ман этилади. Шланглар шланг учига тикиладиган учликлар билан таъминланиши керак.

6.16. Майший оқавали тиргаклар корхонанинг хом ашёларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналари орқали ўтмасликлари керак.

6.17. Атмосфера ёғингарчиликларини йиғиш ва йўқотиш учун, ёмғир сувини қочириш ва юзаки шаррос, ёмғир сувини йиғиш тизимлари мавжуд бўлишлари керак. Ёмғир сувини қочириш ва юзаки шаррос ёмғир сувини йиғиш тизимига хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш оқава сувларини оқизишга йўл қўйилмайди.

6.18. Корхонанинг оқава сувлари сув хавзасига оқизишдан олдин тозалаш қурилмаларида механик, кимёвий (керак ҳолларда) ва тўла-тўким биологик тозалашдан ўтади.

6.20. Хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг корхоналар ҳудудиги кириши ташкилотнинг изоляцияланган хоналарида жиҳозланади.

6.21. Корхонада (ташкилотда) сув таъминоти ва сув қочиришнинг лаборатор тадқиқотлар учун сувларнинг саралаб олинадиган синамалари назорат нукталари кўрсатиб ўтилган режа-схемаси ишлаб чиқилади

6.22. Болалар озукаси учун озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ва фойдаланишнинг ҳамма босқичларида:

очиқ сув хавзаларига тегишли тозалашдан ўтмаган хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш оқава сувларини оқизиш;

ютиб юборувчи қудуқлар қурилмалари ман этилади.

7. КОРХОНАЛАРДА ЁРИТИШ ВА МИКРОИҚЛИМ УЧУН САНИТАР ҚОИДАЛАР

7.1. Хоналарни ёритиш «Табиий ва сунъий ёритиш. Лойиҳалаштиришнинг қурилиш меъёрлари» ўрнатилган амалиёт талабларига мос бўлиши керак.

7.2. Сунъий ёритиш барча биноларда умумий бўлиши керак, ишлаб чиқариш биноларида эса зарур ҳолларда маҳаллий ёки комбинацияланган бўлиши керак.

7.3. Махсус режали фаолиятли ишлаб чиқариш биноларини (болалар озукаси маҳсулотини вакуум остида қадоқлаш модификацияланган газ муҳитида, болалар озукасининг ярим маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича) бактерицид лампалар билан жиҳозлаш керак.

7.4. Очиқ технологияли ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш хоналаридаги ёритгичлари ускуналар устида жойлашмаслиги керак.

7.5. Корхона (ташкилот) нинг хом ашё сақланадиган, болалар озукаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идиш ва тикин воситаларини тайёрлаш, тайёр маҳсулотни сақлаш ва бериш биноларидаги ёритгич қурилмалари хом ашёга ва тайёр маҳсулотга ойна синиқлари тушишига тўсқинлик қилиш керак, шу қаторда махсус хавфсиз портловчи арматуралар қўллаш йўли билан (панжалар, тўрлар, сочмалар, махсус лампали патронлар, яхлит ҳимоя ойнаси).

7.6. Маҳаллий ёритиш ёритгичларида шафф бўлмаслигини оф бўлмаган ёки ёруғлик сочувчи қуюқ қобик бўлиши керак ва акс этувчи ялтироқ жилванинг бўлмаслигини таъминлаши керак.

7.7. Ёритиш ўйиқларини тара билан, ташкилотнинг ички ва ташқи биноларидаги жиҳозлар билан тўсиш ман этилади.

7.8. Ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший биноларни микроиклим параметрлари микроиклимга бўлган талаблар ҳақидаги Санитар қоидаларга ва техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.

7.9. Ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший биноларда иситиш учун конструкциялари чангдан яхши тозалашни таъминлайдиган истиш ускуналари қўлланилади.

7.10. Ходимлар узоқ вақт давомида (иш вақтининг 50% дан кўпроқ) кўмакчи биноларда бўлиши истиш тизими қурилмасининг бўлиши шарт.

7.11. Биноларда ходимларнинг қаттиқ совуқ қотишининг олдини олиш мақсадида технологик ўйиқлар ва тамбурлар ёнида ҳаво-истиш пардалари кўзда тутилиши керак.

7.12. Ишлаб чиқариш, кўмакчи, омбор ва маиший биноларда ишлаб чиқариш тавсифига мувофиқ бўлган табиий, механик, аралаш вентиляция тизими кўзда тутилиши керак.

7.13. Корхона (ташкilot) нинг вентиляция тизими шундай тузилган бўлиши керакки, у ифлос ҳудуддан тоза ҳудудга ўтадиган ҳаво оқимининг мавжудлигини истисно қилсин ва вентиляция тизимининг тозалаш ёки алмаштиришни талаб қиладиган филтрларига ва бошқа қисмларига тез ва осон етишни таъминласин.

7.14. Лаборатория, ювиш, маиший хоналари, ҳожатхона умумалмашув ва маҳаллий вентиляциянинг мустақил тизими билан ёки кондиционерлаш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

7.15. Қурилмаларнинг вентиляциян каналларининг, ҳавобошловчиларнинг ички юзасини ифлосланиш даражасига қараб тозаланиши зарур.

7.16. Иссиқликни, намликни, чанг ва зарарли моддаларни жадал ажратиш манбаси бўлган қурилмалар тортувчи вентиляция ва тозалашнинг маҳаллий тизими билан жиҳозланиши керак.

7.17. Вентиляциян қурилмалар рухсат этилган меъёрдан ортиқ шовқин солмаслиги керак.

8. БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, КЎМАКЧИ ВА МАИШЕЙ БИНОЛАРНИ ҲОЛАТИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНING САНИТАР ҚОИДАЛАРИ

8.1. Корхонанинг ҳамма ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший бинолари улар нимага мўлжалланганлигини кўрсатувчи тахтачалар билан белгиланган бўлиши керак.

8.2. Ишлаб чиқариш биноларига киришда пойафзални дезинфекциялаш мосламалари ўрнатилиши керак.

8.3. Ташкилот ходимлари ва болалар озуқаси маҳсулотини ишлаб чиқаришга бўлган қурилмаларга хизмат кўрсатиш вазифаларни бажаришга боғлиқ бўлмаган шахсларнинг ишлаб чиқариш биноларига кириши чекланиши керак.

8.4. Микроиқлимга бўлган махсус талабларни кўзда тутилган болалар озуқаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиялари бўлган ишлаб чиқариш ва кўмакчи бинолари термометр ва психрометр билан жиҳозланган бўлиши керак. Симобли термометрлар ва симоб тўлдиргичли ускуналардан фойдаланиш ман этилади. Микроиқлим параметрлари ҳар куни алоҳида журналда қайд этилиши керак.

8.5. Агар Санитар қоидаларда бошқа нарсалар ўрнатилмаган бўлса, ишлаб чиқариш биноларининг барча кириш ва чиқиш жойлари тамбурлар жиҳозланган бўлиши керак.

8.6. Ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший биноларнинг таъмирланиши заруриятга қараб амалга оширилиши керак

8.7. Ишлаб чиқариш, кўмакчи ва маиший биноларнинг поллари:

соз ҳолда сақланиши керак;

ишлатиладиган ишлаб чиқариш технологияси конструктив мос келадиган, санитар ишлов беришга ва дезинфекцияга осон эришиладиган, намга чидамли, абсорбцияланмайдиган, ювилувчи ва захарли бўлмаган материаллардан ишланган бўлиши; зиналарга бўлган қияликка эга бўлиши керак.

8.8. Ишлаб чиқариш кўмакчи ва маиший биноларнинг деворлари нуқсонсиз силлиқ юзага эга бўлиш керак ва юзаларнинг узлусиз санитар ишловига йўл берадиган ва маҳсулотнинг ифлосланишига хавф солмайдиган сув ўтмас, абсорбцияланмайдиган, ювилувчи ва захарли бўлмаган материаллардан ишланган бўлиши керак.

8.9. Шифтлар, шифтлар мавжуд бўлмаган ҳолда томнинг, ички юзаси тоза тутилиши керак. Шифтда, деворларда ва жиҳозларда моғор бўлишига йўл қўйилмайди.

8.10. Ҳашаротлардан ҳимоя учун деразалар осон тозаланадиган тўрлар билан жиҳозланади.

8.11. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш биноларининг эшиклари ўзи ёпиладиган бўлиши ва маҳкам, зич ёпилишини таъминлайдиган меъёрига етказадиган ускуналар билан жиҳозлаган бўлиши керак. Эшиклар осон ювиладиган ва дезинфекцияланадиган, сувўтмас, адсорбцияланмайдиган, захарли бўлмаган материаллардан ишланган бўлиши керак. Эшиклар ишлаб чиқариш биноларидан ташқарига очилиши керак.

8.12. Болалар озуқа маҳсулотлари тегиб турадиган юзалар соз ҳолда бўлиши, осон ювилиши ва дезинфекцияланиши керак, занглашга чидамли, силлиқ, ювилувчи ва захарли бўлмаган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

8.13. Ҳаётининг биринчи ёшигача бўлган болалар озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш махсус корхоналарда ёки махсус цехларда, ёки махсус технологик линияда амалга оширилиши керак.

8.14. Ишлаб чиқариш биноларида қўл ювиш учун стационар аралаштиргич орқали совуқ ва иссиқ сув келадиган раковина ўрнатилган бўлиши, суёқ совунли дозатор ва қўлларга ишлов бериш учун антисептик, бир маротаба фойдаланиладиган сочиқлар ва электр сочиқлар бўлиши керак.

8.15. Қўл ювиш учун раковиналарни ҳар бир ишлаб чиқариш биноларига кирган жойда ва фойдаланишга қулай бўлган жойларда жойлаштириш керак.

8.16. Турли мақсадларга мўлжалланган йиғиштириш инвентарлари алоҳида бўлиши керак, вазифаси нимадан иборатлиги маркировкаланган ёки бошқа инвентардан ранглар гаммаси бўйича ажратилган бўлиши ва алоҳида хоналарда ёки махсус ажратилган жойларда сақланиши керак.

8.17. Йиғиштириш инвентарига санитар ишлов бериш учун ювиш ванналари ва иссиқ ва совуқ сув мавжуд бўлган оқизиш қурилмалари ва йиғиштириш инвентарини қуриштириш жиҳозлари мавжуд бўлган махсус бинолар ажратилган бўлиши керак.

8.18. Йиғиштириш тугагандан сўнг барча йиғиштириш инвентарини қўллаш йўриқномасига мувофиқ, қонунчилик ўрнатган тартиб асосида қўлланишга рухсат этилган ювиш воситалари қўшилган сувда ювиш ва дезинфекция воситалари билан ишлов бериш керак.

8.19. Дезинфекция, ювиш ва тозалаш воситаларининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак. Дезинфекция, ювиш ва тозалаш воситаларини хом ашё ва тайёр маҳсулотлар билан бирга сақлаш маън этилади.

8.20. Маиший биноларда алоҳида жойлашган, алоҳида қурилган бинорларда жойлашиши ёки ишлаб чиқариш биноларининг ичига қурилган бўлиши мумкин.

8.21. Болалар озуқа маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлар учун маиший хоналар санитар ўтказгичлар кўринишида жиҳозланиши керак.

8.22. Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлар учун маиший хоналар таркибига:

устки ва уй кийими, иш кийими, санитар кийим ва пойафзал учун гардеробхона;

тоза ва ифлос санитар кийим учун алоҳида ич кийим хоналари;

душ хоналар, ҳожатхона, аёллар шахсий гигиенаси учун хоналар ёки душли махсус кабина;

қўл ювиш учун умивалникли ювиниш хонаси;

соҳломлаштириш пункти (тиббий кўрик пункти);

йиғиштириш инвентарини сақлаш ва санитар ишлов бериш хонаси бўлиши керак.

8.23. Ходимларнинг устки ва уй кийимни сақлаш учун кийим илгичлар, ёпиқ ёки очик шкафлар кўзда тутилган бўлиши керак.

8.24. Кўп сонли сменада ишлайдиган аёллар 15 сони кишидан ортиқ бўлган ҳолда аёллар санитар узели ёки ҳожатхонасига қўшиб, аёллар шахсий гигиенаси хонасини жиҳозлаш керак. Ишчи аёллар сони камроқ бўлса, аёллар ҳожатхонасида тамбурдан кириладиган душли кабина кўзда тутилиши керак.

8.25. Душхоналар гардероб хоналар билан ёнма-ён жойлаши керак, кийим учун кийим илгичлар билан жиҳозланган душ хоналардан олдинги хоналарга эга бўлиши керак. Учта томондан тўсилган, кабиналар орасида очиқ ўтиш жойи мавжуд бўлган очиқ душ кабиналарини кўзда тутиш керак.

8.26. Душхоналар резинали ёки пластик гиламчалар ва ҳаммом жиҳозлари учун токчалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Душ хоналарда ёғоч зиналардан ва панжаралардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8.27. Ювиниш хоналари санитар кийим учун гардеробхоналар билан ёнма-ён жойлашиши керак. Қўл ювиш учун гуруҳли умивалниклар ташкилотнинг энг кўп сонли сменасидаги ходимларнинг сонидан келиб чиқиб ўрнатилади.

8.28. Ҳожатхоналар, душхоналар, аёллар шахсий гигиенаси хоналари ва ювиниш хоналари ташкилотнинг ишлаб чиқариш, омборхоналар, маъмурият хоналари, умумий овқатланиш объектлари, соғломлаштириш пунктлари (тиббий кўрикхоналар) устида жойлашишига рухсат этилмайди.

8.29. Ҳожатхоналар тамбурларга эга бўлиши керак ва:

иситилган ва оқава тизими мавжуд;

стационар аралаштиргич орқали келадиган иссиқ ва совуқ сувли раковиналар билан жиҳозланган;

суяқ совунли дозатор ва қўлларга ишлов берилган антисептик билан таъминланган;

бир маротабалик сочиқ ва электр сочиқлар билан таъминланган бўлиши керак.

8.30. Корхона (ташкilot) нинг маиший хоналари ҳар куни ишдан кейин астойдил йиғиштирилиши керак: поллар чангдан тозаланиши керак; поллар ва инвентарь совунли-ишқорли эритма ва иссиқ сув билан ювилиши, гардеробхонадаги шкафлар ҳар куни нам усул билан тозаланиши ва 7 кунда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда қонунчилик ўрнатган тартибда рухсат этилган ва ишлатилиш йўриқномасига мувофиқ равишда дезинфекция воситалари билан ишлов берилиши керак.

8.31. Ҳожатхоналарни йиғиштириш ва дезинфекциялаш учун тегишли белгилари ёки ажралиб турувчи маркировкалари бор махсус инвентарь ва махсус кийим ажратилган бўлиши керак.

8.32. Умумий овқатланиш объектлари маиший бинолар таркибида ёки алоҳида турадиган биноларда жойлашиши мумкин. Умумий овқатланиш объектидаги ўриндиқлар сони корхонанинг энг кўп сонли сменасидаги ходимлар сонининг ҳисобига қараб ҳисобланади.

8.33. Умумий овқатланиш объектларига кириш жойида:

ходимларни санитар кийими учун кийим илгичлар;

қўл ювиш учун стационар аралаштиргич орқали келадиган иссиқ ва совуқ сувли ювиниш раковиналари;

суяқ совунли дозатор;

бир маротабалик сочиқлар ёки электр сочиқлар кўзда тутилган бўлиши керак.

Зарур ҳолларда умумий овқатланиш объектларига кираверишда умумий овқатланиш объектларидаги ўриндиқлар сонига мос илмоқлари бўлган гардеробхоналар кўзда тутилади.

8.34. Корхонада умумий овқатланиш объектлари мавжуд бўлмаган ҳолда ходимлар таом тановул қиладиган хонани кўзда тутиш керак.

8.35. Дезинсекция ва дератизация чора-тадбирлари ўтказилаётганда болалар маҳсулотини ишлаб чиқариш маън этилади.

9. БОЛАЛАР ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ҲОЛАТИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИНИ, ТЕХНОЛОГИЯСИНИ САНИТАР ҚОИДАЛАРИ

9.1. Ускуналарни сақлаш ва эксплуатацияси ушбу Санитар қоидаларга, шунингдек Санитар меъёр ва қоидаларни ускуналарни сақлаш ва эксплуатациясига қўйилган талабларига мувофиқ бўлиши керак.

9.2. Ускуналарни жойлаштиришда қуйида кўрсатилган талабларга риоя қилиниши керак:

ишчилар ускуналар олдида бемалол кириши мумкин;

ишлаб чиқариш жараёнларини назоратини ўтказиш имконияти;

